



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

11 апрель 1971 йил, якшанба

№ 83 (14.953).

Баҳоси 3 тийин.

ЭРТАГА — КОСМОНАВТИКА КУНИ

МАМЛАКАТИМИЗ меҳнаткашлари эртага Космонавтика кунини байрам қиладилар. Бу байрам Совет Иттифоқи Коммунистлик партиясининг XXIV съезди ўз иштини тугатиб, совет жамиятини янада тараққий эттириш режаларини ҳамда социалистик Ватанимизни мустақамлаш йўлида янги буюк вазифаларни белгилаб берган табарруқ бир кунга тўғри келди.

Бундан ўн йил муқаддам маҳонда биринчи бўлиб космосга йнсон парвоз қилди. 1961 йилнинг унутилмас 12 апрель кунини «Восток» космик кемасида Совет Иттифоқи граждани, коммунист Юрий Алексеевич Гагарин коинот сари йўл олган эди. Бу парвоз гоҳда муваффақиятли ақулланди! Ишонинг коинот сари қўйган биринчи қадами жаҳондаги барча халқлар ва элатларни ҳайратга содди. Улар биринчи бор Советлар мамлакатига

амалга оширилган ушбу тажрибанинг натижаларига қўйил қолдилар. Чунки, инсоният минг йиллар давомида орзу қилиб келган даврлар совет кишиларининг ақлу-заҳоти ва иродаси билан рўйбга чиққан эди.

Совет кишилари ана шу байрам кунинида космонавтиканинг назарий ва амалий асосларини яратган ташаббускор олимлар К. Э. Циолковский, С. П. Королев ва бошқа олимларни ҳам чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан эсга оладилар. Коинот сирларини очишда уларнинг аjoyиб ҳиссаларини қўшаётган совет олимлари, инженерлари, космонавт-учувчилари ва кишиларини ана шу кутлуг байрам билан табриқлайдилар.

Космосни ўзлаштиришдаги бу катта муваффақиятлар жонанжон Коммунистлик партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг бевосита раҳнамолиги туфайли қўлга киритилганда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ»

ЛОЙИХАСИ ЮЗАСИДАН СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXIV СЪЕЗДИНИНГ

Қ А Р О Р И

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари тўғрисида СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ А. Н. Косигиннинг докладыни эшитиб ва муҳокама қилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди қарор қилади:

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан Директивалар тасдиқлансин.

Шу Директивалар асосида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги планини беш йиллик йиллари бўйича, министрликлар, идоралар ва иттифокдош республикалар бўйича кенгайтирилган ҳолда 1971 йил 1 августгача ишлаб чиқишни таъминлаш СССР Министрлар Советига топширилсин.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планини ишлаб чиқиш вақтида КПСС XXIV съездида, республикалардаги партия съездларида, ўлка ва областлардаги, шаҳар ва районлардаги конференцияларда, бошлангич партия ташкилотларининг йиғилишларида ва меҳнаткашларнинг йиғилишларида киритилган таклифлар, шунингдек, ишчилар, колхозчилар, мутахассислар ва олимлар томонидан киритилган таклифлар қараб чиқилсин.

Янги беш йиллик план лойиҳасини 1971 йил 1 сентябргача СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этиш СССР Министрлар Советига топширилсин.

КПСС XXIV съезди халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планини ишлаб чиқишнинг барча партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифаси деб ҳисоблайди.

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ

Совет халқи КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошира бориб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратибди. Янги-янги галлабларга эришди. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда, социал вазифаларини ҳал этишда, совет кишиларининг моддий турмуш ва маданий савиясини оширишда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Совет жамиятининг ғойий-сиёсий бирлиги мустаҳкамланди, социалистик демократия янада ривож топди. Ватанимизнинг

халқаро обрўи ошди. Совет Иттифоқининг мудофаа қуввати мустаҳкамланди.

Эришган ҳамма муваффақиятларимиз — ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, халқ зиниллари, барча иттифокдош республикалар меҳнаткашлари фидокорона меҳнатининг натижасидир. Ана шу муваффақиятларга эришишда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлик ва раҳнамолик роли, унинг олиб борган изчил ленинча сиёсати янги куч билан намойён бўлди.

I. СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1966—1970 ЙИЛЛАРДАГИ АСОСИЙ АҚУНЛАРИ

КПСС XXIII съездининг халқ хўжалигини ривожлантириш 1966—1970 йилги беш йиллик план юзасидан Директивалари энг муҳим нитисоди ва социал кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилиди.

СССР халқ хўжалиги шу даврда юксак суръатлар билан ва аввали беш йилдан анча самарали ривожланди. Аҳоли турмуш даражасини ошириш суръатлари, анча жадаллашди.

Миллий даромад 1970 йилда 1965 йилга даражадан 41 процент кўпайди, миллий даромадни оширишнинг ўртача йиллик суръатлари эса 1961—1965 йиллардагидан юқори бўлди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар ортди.

Халқ хўжалигида техника тараққийтини ва иқтисодий ишлаб чиқариш самардорлигини оширишни таъминлаб берадиган тармоқлар юксак суръатлар билан ривожлантирилди. Масалан, беш йилликда электр энергетика маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 54 процент, машинасозлик ва металл ишлаб маҳсулотини ҳажми 74 процент, шу жумладан приборсозлик маҳсулотини ҳажми 2 баравардан зиёд, химия ва нефть химияси саноати маҳсулотини ҳажми 78 процент кўпайди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш анча тезлаштирилди. Бу молларни ишлаб чиқариш йилига ўрта ҳисобда шундан аввали беш йилдаги 6,3 процент ўрнига 8,3 процентдан кўпайиб борди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда узоқ муддат фойдаланиладиган моллар улushi кўпайди.

Мамлакатнинг иқтисодий потенциали юксалди, халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари беш йил ичида 1,5 баравар кўпайди.

Халқ хўжалигига беш йил мобайнида жами 352 миллиард сўм ёки шундан аввали беш йилдагига қараганда 1,4 баравар кўп ҳажмда капитал маблар сарфланди. Электр станцияларида 64 миллион киловатт электр энергия ишлаб чиқарилган янги қувватлар, 18 миллион тонна пўлат, 33 миллион тонна минерал ўғит, 17 миллион тонна цемент, 148 миллион жуфт чарм поймазал, 400 миллион дона трикотаж буюмлар ишлаб чиқарилган янги қувватлар ишга туширилди, магистрал газ қувурлари узунлиги 25 миң километр кўпайтирилди. Халқ хўжалиги тармоқларини техника билан жиҳозлаш даражаси анча юксалди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан, шунингдек деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари еттиштиришни кўпайтиришдан колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулотдорлиги ошди. 1966—1970 йилларда қишлоқ хўжалигининг ўртача йиллик маҳсулотини ҳажми 1961—1965 йиллардагидан 21 процент ортди кўпайди. Шу давр ичида дон еттиштириш 1,3 баравар кўпайди. 1970 йилда 186 миллион тоннадан кўпроқ дон еттиштирилди.

Транспорт ва алоқанинг ҳамма турлари янада ривож топди. Темир йўллари паровозларини электровоз ва тепловозлар билан алмаштириш асосан тугалланди.

Ҳамма иттифокдош республикаларда экономика ва маданияти юксалтиришда катта муваффақиятларга эришилди.

Мамлакатнинг шарқий районларида ёқилги саноатининг ва энергияни кўп талаб қиладиган бир қанча ишлаб чиқаришларнинг қувватлари юксак суръатлар билан ривожланиб борди. Шарқий Сибирда, Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистонда нефть ва газ қазиб чиқариш анча кўпайтирилди. Узоқ Шарқ экономикаси анча мустаҳкамланди.

Совет фани иқтисодий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ақуал проблемаларини ҳал этишга катта ҳисса қўлди. Фундаменталь фанлар соҳасидаги муваффақиятлар саноат, қишлоқ хўжалигини ва бошқа тармоқлардаги кўпгина илмий-техникавий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини берди. Ишлаб чиқариш чимқиларини камайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилашни таъминлайдиган серурум машиналар комплекслари, янги технология жараёнлари яратилди ва муваффақиятли қўлланилмоқда. Бир қанча тармоқларда корхоналари, мураккаб технология жараёнларини замонавий ҳисоблаш техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари жорий этилди. Совет космонавтикасининг янги ҳада катта муваффақиятлари мамлакатимизда фан ва техника юксак даражада ривожланганлигидан яққол далолат бериб турибди.

Фан-техника тараққийти, халқ хўжалигини бошқариш таконимлантириш, планлаштириш ва нитисодий раббатлантиришнинг янги методларини қўлланиш асосида иқтисодий ишлаб чиқариш самардорлиги ошди. Иқтисодий меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари жадаллаштирилди. Корхоналарнинг олаётган фойдаси кўпайди, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ошди.

Халқнинг моддий фаровонлигини ошириш юзасидан КПСС XXIII съезди белгилаб берган асосий топшириқлар орғиги билан бажарилиди. Беш йиллик мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар мўлжалдаги 30 процент ўрнига 33 процент кўпайди. Аҳолининг саноат ва озиқ-овқат молларини истеъмол қилиши анча ошди, уй-жой шaroнги яхшиланди, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари янада ривож топди.

КПСС XXIII съезди Директиваларида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ўрта ҳисобда камида 20 процент ошириш кўзда тутилган эди, ҳақиқатда эса 26 процент оширилди ва 1965 йилдаги 96,5 сўмдан 1970 йилда оғига 122 сўмга етди. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишчи ва хизматчиларнинг минимал иш ҳақи оширилди. Қўрилиш ва бинокорлик материаллари саноатида йиллайдиган ва ўртача ҳақ оладиган ходимларнинг тариф ставкалари ва маъсаб оқладлари оширилди. Узоқ Шимолий районларида ва шу районларга тенглаштирилган жойларда ишловчи кишилар

учун белгиланган имтиёзлар кенгайтирилди. Узоқ Шарқ, Шарқий Сибирь ва Европа шимолидаги районларда жорий этилган район коэффицентлари шу районлардаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини оширишни таъминлади. Бир қанча категориядаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олиннадиган даромад солиғи ставкалари пасайтирилди. Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини бир-бирига яқинлаштириш давом эттирилди. Колхозларда меҳнатга тарағиялланган ҳақ қўлаш жорий этилди. Колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ 1970 йилда 1965 йилдагига нисбатан 42 процент кўпайтирилди.

Ишчи ва хизматчилар икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилди. Ишчи ва хизматчилар отпус-касининг минимал муддати ўзайтирилди.

Аҳолига иқтисодий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар беш йил мобайнида 1,5 баравардан зиёд кўпайди. Бундай тўлов ва имтиёзлар аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1965 йилдаги 182 сўм ўрнига 1970 йилда 262 сўмга етди.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари пенсияларининг миқдори кўпайтирилди, колхозчиларга қарилан пенсиялари таинчланидиган ёш камайтирилди, социал страхование яхшиланди.

Товар оборотини кўпайтириш юзасидан партия XXIII съезди белгиланган топшириқлар ошириб бажарилиди, товар обороти ҳажми беш йилда деярли 1,5 баравар кенгайди. Аҳолига кишим-кечак ва поймазал, узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар — телевизорлар, холодильниклар, мебель, шунингдек энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш ортди.

1966—1970 йилларда мамлакатда жами саҳни 518 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қурилди, бу эса 55 миллионга яқин кишининг уй-жой шaroнтини яхшилаш имконини берди. Аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш юксак суръатлар билан ривожлантирилди, ана шу хизматлар ҳажми икки баравардан зиёд, шу жумладан қишлоқ жойларда уч баравар кўпайтирилди. Аҳолининг умумий билими ва маданий савияси ошди. Емларга умумий ўрта таълим беришга ўтиш изчиллик билан амалга оширилди. 8,1 миллион ўрилли мактаблар ва 2,5 миллион ўрилли мактабга қараб яна маъсасалари қурилди. Беш йиллик мобайнида олий маълумотли 2,6 миллион мутахассис ва ўрта махсус маълумотли 4,4 миллион мутахассис тайёрланди. Ҳунар-техника таълими билим юртлари ва мактабларида 7 миллион малакали ишчи тайёрланди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ва шу аҳолининг ташкилий равишда дам олиши учун бўлган шaroн яхшиланди, кинотеатрлар, клублар, кутубхоналар кўпайтирилди.

Совет Иттифоқининг ташқи иқтисодий алоқалари кенгай-тирилди. Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик формалари ҳамда СССРнинг халқаро ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий

иқтисослаштириш ва кооперативлаштиришдаги иштироки формалари такомиллаштирилди.

Беш йиллик плани бажариш давомида камчиликлар ҳам содир бўлди. Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилмади, янги корхоналар ва ишлаб чиқаришларни қуриш ҳамда ўзлаштириш муддатлари кўпайиб кетди. Шунинг натижасида саноат маҳсулотининг айрим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган даражага эришилмади. Қўрилиш лойиҳалаш ва таъинил өттишдаги камчиликлар ҳали ҳам тугатилгани йўқ, бу эса бир қанча тармоқларда қурилишнинг қимматлиги кетишига сабаб бўлди.

Моллар ишлаб чиқариш тез кўпайтирилганлигига қарамай, аҳолининг айрим моллари бўлган ва ўсиб бораётган талаби ҳали тўлиқ қондирилмаётди. Саудо ташкилотлари бир қанча ҳолларда истеъмолчиларнинг талабини етарли ўрганмаётди, саудо-сотиқ ишларини ташкил этишда зарур даражада омилкорлик кўрсатмаётди, маҳсулотнинг сифати ва турлари ҳусусида саноатта талабчанлик қилмаётди.

Бир қанча корхоналарда маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини ошириш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг илмий методларини жорий қилиш иши дуруст олиб борилмаётди. Айрим хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан тўлиқ фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштириш, меҳнат ва давлат иттизомини мустаҳкамлаш масалаларига лозим даражада эътибор бермаётдилар.

Кўпгина колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачиликнинг маҳсулотдорлиги суст оширилмоқда, техникадан тўлиқ фойдаланилмаётди, минерал ўғитнинг исроф бўлишига йўл қўйилмоқда, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ҳали ҳам паст. Шу сабабли қишлоқ хўжалигининг айрим маҳсулотларини еттиштириш бўйича топши-риқлар тўла бажарилмади.

Министрликлар билан идоралар халқ хўжалигининг ва аҳолининг тегишли тармоқ маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини етарли равишда ўрганмаётдилар, уларнинг эҳтиёжини ўз вақтида ва тўлиқ қондириш учун лозим даражада қураш олиб бормаётдилар. Айрим корхоналар маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планларини бажармаётди, исрофгарчиликларга ва унумсиз харажатларга йўл қўймоқда.

Экономикамизни ривожлантиришдаги камчиликларни тугатиш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштириш, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган тадбирлар иқтисодий ишлаб чиқариш янада ўстирилиш ва унинг самардорлигини оширишнинг таъминлаш имконини беради.

II. СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛЛАРДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Тўққизинчи беш йиллик план совет жамиятининг коммунизм йўлида, унинг моддий-техника базасини қуриш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидан олға қараб қилаётган ҳаракатида муҳим босқич бўлади. Беш йилликнинг энг асосий вазифаси — социалистик ишлаб чиқаришнинг юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самардорлигини ошириш, фан-техника тараққийти ва

меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш лeғизида халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборат.

Беш йилликнинг энг асосий вазифасини амалга ошириш учун:

(Давоми йккинчи бетда).

(Давоми учинчи бетда).

(Боши 1 ва 2- бетларда).

(Давоми тўртинчи бетда).

(Давомин туриначи бейда).

СССР ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛЛАРГА МҲЛЖАЛ- ЛАНГАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ ЮЗАСИДА КГСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ

(Боши 1, 2, 3 ва 4-бетларда).

Касалхоналарда берилаётган оғдатларга қилинадиган харажатлар нормалари оширилсин.

Медицина ва соғлиқни сақлашнинг энг муҳим проблемаларига доир илмий тадқиқотлар тагин ҳам кенгроқ ривожлантирилсин.

Брачлар кўпайтирилсин. Медицина ходимларини тайёрлаш даражаси оширилсин.

Меҳнаткашларни санаторий-курортларда даволаш ва ташкилий равишда дам олдириш янада ривожлантирилсин.

Янги спорт иншоотлари қуришни авж олдириб ва ишлаб турган иншоотлардан фойдаланиш даражасини ошириб, меҳнаткашлар кенг оммасининг физкультура ва спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароит яхшилансин.

Туризмни кенг ривожлантириш тадбирлари амалга оширилсин, унинг моддий базаси мустаҳкамлансин. Дарё, денгиз, темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида саҳнат қилиш ривожлантирилсин. Туристларга хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар, кемпинглар ва бошқа объектларни қуриш кенгайтирилсин.

Инвадлар ва қарилар учун интернет уйлари кўпайтирилсин. Инвалидларни транспорт воситалари ва протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш яхшилансин.

Халқ маорифи ва социалистик маданият янада ҳар томонлама ривожлантирилсин. Таълим-тарбия ишлари таъминлаштирилсин. Педагог кадрларни тайёрлаш сифати ва улар малакасининг даражаси оширилсин. Ёшларнинг маълини ва халқ ҳўжалигининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ёшларни касб ўргатишга йўллаш ишлари кучайтирилсин.

Давлат капитал маблағлари ҳисобидан камида 6 миллион фурилли умумий таълим мактаблари қурилсин, қишлоқлардаги ўқувчилар учун мактаблар ҳўзуридаги интернатлар анча кенгайтирилсин ва кўпайтирилсин.

Бошлар билан мактабдан ташқарида олиб бориладиган ишлар анча яхшилансин. Пионерлар уйлари, ёш техниклар ва табиатшўнослар станициялари, шунингдек ёш авлодни тарбиялаш билан алоқадор бўлган бошқа бошлар муассасалари кўпайтирилсин ва кенгайтирилсин. Уларнинг моддий базаси мустаҳкамлансин.

Фан-техника тараққийётининг талабларига мувофиқ олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш, бўлажак муассасаларни тайёрлаш сифатини ошириш ва уларни гоъий-сиёсий тарбиялашни яхшилаш давом эттирилсин. Беш йил ичда олий ва ўрта махсус маълумотли 9 миллион нафарга яқин муассасаси тайёрлансин. Фан ва техниканинг янги соҳалари бўйича ишлаб чиқаришнинг тез ривожланиб бораётган тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун муассасалар тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин.

Олий ўқув юртлари студентларига ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига тўланадиган стипендиялар миқдори оширилсин.

Мактабларнинг ва ҳўнар-техника билим юртларининг ай-

ниҳса қишлоқ жойларидаги мактабларнинг ва ҳўнар техника билим юртларининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув-моддий базаси мустаҳкамлансин ва улар замонавий ускуналар билан ҳамда ўқитишнинг техникавий воситалари билан таъминлансин.

Олий мактабда илмий тадқиқотлар олиб бориш ривожлантирилсин. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги бутун чоралар билан мустаҳкамлансин.

Ёшларнинг ишга киришидан олдин ихтисос олишини қоида қилиб олиб, ҳўнар-техника ўқув юртларида ва айниқса қишлоқ жойларида малакали ишчилар тайёрлаш кўпайтирилсин. Халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари учун беш йил ичда ҳўнар-техника ўқув юртларида камида 9 миллион нафар малакали ишчи тайёрлансин. Қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш тагин ҳам тезроқ суръатлар билан амалга оширилсин. Ёнг муррак кабелар бўйича малакали ишчилар тайёрлаётган ва айни вақтда ўрта маълумот бераётган ҳўнар-техника билим юртлари ўқувчилар қабул қилиш 1975 йилда 300—400 минг кишига етказилсин.

Шаҳарлардаги ҳўнар-техника ўқув юртларининг ўқувчиларига берилаётган оғватга қилинадиган харажат нормалари оширилсин. Ишлаб чиқаришнинг ўзида ишчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифати яхшилансин. Ишчи ва қишлоқ ёшларининг кечги (сменали) мактаблари бутун чоралар билан мустаҳкамлансин.

Халқнинг маънавий эҳтиёжларини тагин ҳам тўлароқ қондириш мақсадида матбуот, телевидение, радио, адабиёт ва санъат янада ривожлантирилсин, маданият муассасаларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамлансин. Халқ университетлари ҳамда мустакил ўқиб маълумот олишининг, халқ маънавий савиясини оширишнинг, халққа эстетик ва баъдий тарбия беришнинг бошқа оммавий формалари янада ривожлантирилсин. Радиоэшиткиришларнинг ва телевизион кўрсатишларнинг сифати яхшилансин.

Китоблар қиқаришни, газеталар ва журналларнинг тиражини янада кўпайтириш кўзда тутилсин, уларнинг безатилиши ва тематикасини янада яхшилаш таъминлансин, кино-театрлар ва киноустановавлар шохобчалари кўпайтирилсин. Ёнг янги ускуналари, янги материаллари, қозғаларни, киноленталарини полиграфия саноатига ва кино саноатига жорий қилиш таъминлансин.

Аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш системасини таъминлаштиришга алоҳида эътибор берилсин, район марказларида маданият уйлари ва барча йирик аҳоли пунктларида маънавий-оғратув муассасаларини вужудга келтириш асосан гуллансин. Мамлакатда кутубхоначилик ишчи таъминлашга берилинсин.

Маданий-оғратув муассасаларини ва санъат муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш яхшилансин, аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва дам олишини ташкил этишда уларнинг роли оширилсин.

VIII. ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ХҲЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни янада яхшилаш таъминлансин, территориял иқтисодий алоқалар таъминлаштирилсин. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш масалаларини ҳал қилишда иттифоқдош республикаларнинг ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг роли оширилсин.

Тармоқлар бўйича планлаштириш билан территориял планлаштиришнинг рационал равишда қўйиб олиб бориш таъминлансин.

Мамлакатнинг шарқий районларида табиий ресурсларни жадал ўзлаштириш ва уларнинг иқтисодий потенциалини кўпайтириш янада давом эттириш халқ ҳўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва территориял пропорцияларни яхшилаш соҳасидаги энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин. Сибирь, Қозғистон ва Урта Осиёда анчагина арзон энергетика ресурслари мавжудлигини назарда тутиб, энергияни кўп талаб қиладиган янги саноат корхоналари асосан шу районларда жойлаштирилсин.

Шарқий районларда бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Йирик шаҳарларнинг кенгайиб кетишини тўхтатиб туриш йўли оғишам амалга оширилавирсин; шундай шаҳарларда аҳолига ва шаҳар ҳўжалигига хизмат кўрсатиш билан алоқадор объектлардан ташқари янги саноат корхоналарини жойлаштиришнинг тўхтатиш қоида қилиб олинсин.

Кичик шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида ихтисослаштирилган кичик корхоналар ва йирик шаҳарлардаги завод ҳамда фабрикаларнинг филиаллари жойлаштирилсин. Саноат районларида ишлаб чиқариш ёрқалар ва аёллар меҳнатидан рационал фойдаланишни ҳисобга олиб жойлаштирилсин.

Иттифоқдош республикалар ва мамлакатнинг иқтисодий районлари ҳўжаликлари янада ривожлантириш қўйидаги асосий йўналишлар асосида олиб борилинсин.

Россия Совет Федератив Социалистик Республикасида машинасозлик, газ, нефть ва химия саноатларини жадал суръатлар билан ўстириш ҳолда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 44-47 процент кўпайтирилсин.

1975 йилда электр энергия ҳўси қилиш тахминан 660 миллиард киловатт-соатга, нефть қазиб чиқариш 400 миллион тоннага, газ қазиб олиш 141 миллиард куб метрга, кўмир қазиб чиқариш 373 миллион тоннага, қора металлнинг тайёр прокатини ишлаб чиқариш 59 миллион тоннага, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 43 миллион тоннага, целлюлоза ишлаб чиқариш 7,8 миллион тоннага, цемент ишлаб чиқариш 78 миллион тоннага, газлама ишлаб чиқариш 7,5-7,9 миллион квадрат метрга, чарм-полафазал ишлаб чиқариш 406-420 миллион жуфтва, гўшт етиштириш 5,2 миллион тоннага, қаймоғи олинмаган сўт маҳсулотини етиштириш 13,4 миллион тоннага, мебель ишлаб чиқариш 2,6 миллиард сўмга етказилсин.

Доннинг ҳар йили ўртача яқин ҳўсиди 116 миллион тоннага етказилсин. Сугориладиган ерларда товар галла етиштириб берадиган йирин районлар вужудга келтирилсин, шодиполлар анча кенгайтирилсин. Қанд лавлиги, узун тоғли ангр пюр, кунгабоқар пистасини етиштириш кўпайтирилсин, 1,2 миллион гектар сугориладиган ер ишта туширилсин, 1,8 миллион гектар ботқоқ ва зах ерларнинг захи қочрилсин. Захи кетказилишини талаб қилмайдиган 7 миллион гектар майдондаги ерларни экинзорларга айлантириш ишлари олиб борилинсин.

Чорвачиликни янада ривожлантириш таъминлансин, чорва ва паррандаларнинг барча турлари сонни кўпайтирилсин, уларнинг маҳсулдорлиги оширилсин. Гўшт олишга мўлжалланган чорвачилик ва кўнчилик тез суръатлар билан ривожлантирилсин. Хар йили етиштириладиган гўштининг ўртача миқдори сўйилган вазида ҳисобланганда 7,3 миллион тоннага, сўт 51 миллион тоннага, тухум 27 миллиард донага, жун 228 минг тоннага етказилсин. Чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиб бериш тадбирлари амалга оширилсин. 2,4 миллион гектар яёлов ерлар сув билан таъминлансин, камида 6,3 миллион гектар ер сермахсув ўтлоқларга ва яёловларга айлантирилсин. Дуккалик дон ва ембон дон экинлари ва илдири озуқа бўладиган экинлар, кўп йиллик ва бир йиллик ўтларнинг, силосбон экинларнинг ҳўсилдорлигини анча оширилсин ва уларни етиштириш анча кўпайтирилсин.

РСФСРнинг Европа қисмининг — Европа Шимолий яёловларида нефть ва табиий газ чиқадиган янги қопларни қидириб топиш ва ўзлаштириш кучайтирилсин. Шимоллий—Онега бонкит қонини ва Вологда подпипинлар заводини қуриш тезлаштирилсин. Ленинград ва Нольск атом электр станцияларида ва Кириши ГРЭСидаги қувватлар ишта туширилсин. Архангелск областиди нефть қайта ишлаш заводини қуришга ва Печора ГРЭСини қуришга киришилсин.

Москва ва Ленинград саноатини ва шаҳар ҳўжалигини комплекс ривожлантириш ҳамда шу шаҳарлардаги корхоналарни техника билан қайта қуруллантириш тадбирлари амалга оширилсин, меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш таъминлансин. Кострома, Калинин ва Рязань ГРЭСларидаги ҳамда Межсеротеплоэлектроцентрларидаги қувватлар ишта туширилсин. Смоленск атом электр станциясини қуриш ишлари бошлаб юборилсин. Сунинчи ва Сасово шаҳарларида автомат линиялар ишлаб чиқарувчи станоксозлик заводлари қурилсин. Тула областиди мурракоб ўғитлар ишлаб чиқарадиган завод қурилсин.

Курс магнит аномалиясининг минерал ресурслари неғизда умумийтаффоқ ёқамалинига оғ янги саноат комплексини вужудга келтиришга киришилсин; шу районда минерал руда қазиб чиқариш тахминан 40 миллион тоннага етказилсин. Нововоронежск ва Курск атом электр станцияларидаги қувватлар ишта туширилсин.

нариш анча кўпайтирилсин. Балиқчилик саноатининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин, кема ремонт қиладиган заводларнинг қувватлари оширилсин, денгиз портлари ва причаллари реконструкция қилинсин ва кенгайтирилсин.

Соё ва шодли етиштириш кўпайтирилсин. Сугориладиган 48 минг гектар ер ишта туширилсин, 380 минг гектар зах ерларнинг захи қочрилсин, 352 минг гектар майдондаги ерларнинг ҳўлатини яхшилаб, экинзорларга айлантириш ишлари олиб борилинсин.

Шимол ва Узоқ Шарқ районларида овчилик, балиқ овлаш ва ҳайвонлар овлаш промыселларини, мўйабон ҳайвонлар овини янада ривожлантириш ҳамда кийикчилик маҳсулдорлигини ошириш таъминлансин.

Узоқ Шарқ ва Шарқий Сибирь районларида аҳолининг кўчи келишини кўпайтириш ва шу районларда кадрларнинг мустаҳкам ўрнатиб қилиниш учун паровит вужудга келтирилсин; уй-жой, маиший бинолар қуриш ва соиал маданий қурилиш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Украина ССРда саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг ҳажми 38-41 процент кўпайтирилсин, шу билан бирга электр энергетика, химия, нефтин қайта ишлаш ва нефть химияси саноатлари ҳамда машинасозлик илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

1975 йилда электр энергия ишлаб чиқариш тахминан 200 миллиард киловатт-соатга етказилсин. Словянск, Триполье, Ладжикова, Кураховна ГРЭСлари ва 2-Кривой-Рог ГРЭСи қуриб битказилсин. Запорожье ва Углегорск ГРЭСларининг Чорнобўл атом электростанциясини ва Киевдаги 5-Тришин қувватлари ишта туширилсин. Канев ГЭСи ва Днепр ГЭСининг иккинчи навбати кемалар ўтказадиган илқоқ билан бирлиқда қуриб битказилсин. 2та несишлик ва 2та атом электростанциялари қуриш авж олдирилсин. 750 минг вольт қучилишли Довбасс—Гарбий Украина электр линияси қурилсин.

Кўмир қазиб чиқариш кўпайтирилиб, тахминан 215 миллион тоннага етказилсин. Донецк ҳавасида ишлаб турган шахталарни реконструкция қилиш асосан битказилсин ва янги шахталар қуриш, шу жумладан антрацит ва коксладиган кўмир қазиб чиқарадиган катта корхоналарни қуриш тезлаштирилсин. Нефть ва газ чиқадиган янги қопларни қидириб топиш ва ишта тушириш тезлаштирилсин.

1975 йилда қора металл тайёр прокати ишлаб чиқариш 37—38 миллион тоннага ва пўлат қувурлари ишлаб чиқариш 6,6 миллион тоннага етказилсин. «Азовсталь» заводиди қалин туңуқа тайёрлаб берадиган «3600» стани ва кислород-конвертор цехи, Харциз қувур заводиди қувурларни электр пайвандалаш цехи ва Нижнеднепровскдаги қувур-пробит заводиди гилдрак-прокат цехи ишта туширилсин. Побуж никель заводи қуриб битказилсин.

Нефтин қайта ишлаш ҳажми 2,5—2,6 баравар кўпайтирилсин. Кременчук нефтин қайта ишлаш заводиди қўшимча қувватлар ишта туширилсин, Лисичанск нефтин қайта ишлаш заводи қурилиб, ишта туширилсин ва нефтин қайта ишлаб берадиган иккита янги завод қуришга киришилсин. Белоцерковский шина комбинати ишта туширилсин.

1975 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 16,6 миллион тоннага ва химиявий тоғалар ишлаб чиқариш 152 минг тоннага етказилсин.

Машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1,7 баравар кўпайтирилсин, 1-150 тракторлар ишлаб чиқарадиган корхоналар комплекси қуриб битказилсин. Кадиевка, Крюкова ва Днепродзержинск вагонсозлик заводларида вагонлар ишлаб чиқарадиган қувватлар кўпайтирилсин. Ижтимоир шахрида автомат станоклар ишлаб чиқарадиган завод қурилсин.

Цемент ишлаб чиқариш 1975 йилда тахминан 22 миллион тоннага етказилсин. Каменец—Подольск ва Балаклея цемент заводлари қуриб битказилсин.

1975 йилда газламалар ишлаб чиқариш 840—925 миллион квадрат метрга, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 346 миллион донага, чарм-полафазал ишлаб чиқариш 166—172 миллион жуфтва, лавалиган қанд-шакар ишлаб чиқариш 6,4 миллион тоннага, гўшт етиштириш 1,9 миллион тоннага, қаймоғи олинмаган сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,4 миллион тоннага, мебель ишлаб чиқариш 860 миллион сўмга етказилсин.

Тернополь ва Донецк ил газлама комбинатлари ва Черкасск ипак комбинати қуриб битказилсин. Кривой-Рогда камвол-суноко-комбинати қуриш бошлансин. Зигурин қайта ишлаш, ил газлама, жун газлама, трикотаж ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларидаги корхоналар, иккита қанд заводи ва мой экстракция заводи қурилсин.

Республиканинг гарбий областларида саноат ишлаб чиқаришини тез суръатлар билан ўстириш таъминлансин, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналари ҳамда машинасозликнинг сермахит тармоқлари кўпроқ ривожлантирилсин.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида дон ва техника экинлари ҳўсидини етиштириш кўпайтирилсин, чорвачиликни бутун чоралар билан ривожлантириш таъминлансин. Доннинг ҳар йили ўртача ҳўсиди 40 миллион тоннага етказилсин, кўзги бугўди, маканкўхори, шодли, грецхика, дуккалик дон ва ем бўладиган дон етиштиришга алоҳида эътибор берилсин. Қанд-лавлиги, кунгабоқар пистаси, тамани, каноп, узун тоғли ангр пюр, картошка, сабзавот, айниқса унинг эрта пишар навларини, меवालار, узум ва полнз маҳсулотларини етиштириш кўпайтирилсин.

Ем-хашак етиштиришни анча кўпайтириш, чорва ва парранданинг ҳамма турларини янада кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини анча ошириш таъминлансин. Хар йили етиштирилаётган гўштининг ўртача миқдори сўйилган вазида тахминан 3,2 миллион тоннага, сўт 20,3 миллион тоннага, тухум 10,4 миллиард донага, жун 27 минг тоннага етказилсин.

